

топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рұхсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриклаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриклаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақиртириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нұсхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), қурол аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамланганлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нұсхада далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нұсхада далолатнома тузиш ва бир нұсхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар кўрилиши учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриклаш хизмати навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриклаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **5 боб. Томонлар жавобгарлиги.**

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеня тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланса.

Қабул қилиш-топшириш журналида қайд қилинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7 боб. Форс-мажор.**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган ёнғин бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

26. Ёнғин бўлмайдиган қуч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.